

БАНК АЖБОРОНИНОМАСИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№33 (1160), 2018 йил 16 август

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 27 йиллигига



**HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021**

Ўтган даврда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотлар қаторида валюта сиёсатининг либераллаштирилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлардан бири бўлди.



Валюта сиёсатини эркинлаштириш иқтисодий тараққиётга кенг йўл очди

Бунда Президентимизнинг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида жорий қилинган валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмлари юртимизда экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ич-

ки бозордаги рақобатдошлигини оширишга кенг йўл очди.

Фармонда мазкур жараёнда давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, миллий ва хорижий валюта муомаласи, улар орқали ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиблари аниқ белгилаб берилдики, у бу борадаги муаммо ва камчиликларни барҳам этишга ҳам асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Марказий банк: истеъмол кредити бериш механизмини такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш Дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу ҳақда cbu.uz сайти хабар бермоқда.

(Давоми 5-бетда).

«Ўзсаноатқурилишбанк» трансформация қилинади

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан банкни энг илғор тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида иш юритадиган, молиявий жиҳатдан эса барқарор ва рақобатбардош муассасага трансформация қилиш бўйича ҳамкорлик келишуви имзолади.

Унга асосан «Ўзсаноатқурилишбанк»да хизмат кўрсатишнинг бозор механизмлари янада кенг жорий этилади, замонавий инновацион хизматлар ҳамда маҳсулотларнинг янги турлари амалиётга татбиқ қилинади. Бу, ўз ўрнида, банкка аҳоли ва тadbиркорлар ўртасида молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, айниқса, уларни юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб «Green banking» тизими асосида молиялаштириш механизмини жорий этиш арасида. Бу ишлаб чиқариш объектларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш ва энерго-тежамкорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

finance.uz

Банк хизматларида шаффофлик бўлсин

Кейинги йилларда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хизмат кўрсатишнинг янги инновацион механизмлари жорий қилиниб, тadbиркорлар ва аҳоли учун молиявий хизмат турлари кенгайиб борапти.



Аммо хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва банк тизимига бўлган ишонччи янада юқори даражага олиб чиқишда бирмунча муаммо ва камчиликлар учраб турибди. Натижада Халқ қабулхоналарига банклар фаолиятидан норози бўлган аҳолидан кўплаб мурожаатлар келиб тушаётир.

(Давоми 5-бетда).

УШБУ СОНДА:

Банклардан хабарлар
Тижорат банкларидан янги хизматлар.
2-бет.



Статистика ва таҳлил
«Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар.
6-7-бетлар.



Хабарлар, воқеалар
Оилавий меҳмонхона учун имтиёзли кредит.
8-бет.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш иқтисодий тараққиётга кенг йўл очди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги амалиётга кўра, юридик шахслар ўз маблағларини банкларда товар, иш ҳамда хизматлар импорти, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериға эға бўлмаган операцияларни амалға ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилиш имконига эға бўлди. Конвертация масаласида айрим тадбиркорлик субъектлари имтиёзға эға бўлган ҳолда, бошқа тадбиркорларнинг ушбу масалада турли чекловлар, узоқ муддатли кутишлар ва бошқа сарсонгарчиликларға дуч келиши каби қатор муаммолардан халос бўлинди.

Республика ҳудудида барча товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб ва тўловлар, давлат божларнинг ундирилиши, товар ва хизматлар нархларининг белгиланиши фақат миллий валютада амалға оширилиши йўлга қўйилди. Шу билан бирға тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишиға қулай шароитлар яратиш мақсадида мазкур Фармон билан чет эл валютасида ажратилган кредитларни банкнинг кредит сиёсати ва томонларнинг келишуви асосида миллий ёки чет эл валютасида қайтарилишиға руҳсат берилди.

Фармондаги яна бир муҳим жиҳат – мамлакатимизға янги юқори технологияларни ишлаб чиқариш жараёниға жорий қилиш ҳамда дунёнинг энг ривожланган компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришиға кенг йўл очилди.

Жисмоний шахслар учун тижорат банкларининг конверсион бўлимларида чет эл валютасини эркин сотиб олиш, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш имкони пайдо бўлди. Аҳоли ўз кўлидаги нақд чет эл валютасини бозор нархида тижорат банкига сотиш учун муурожаат қилганда муассасанин барча филиал ҳамда мини-банклари томонидан чекланмаган миқдорда ва сарсонгарчиликсиз қабул қилина бошлади.

Бундан ташқари, ҳужжат билан экспортчи ташкилотлар учун валюта тушумини мажбурий сотиш талабининг бутунлай бекор қилинган ушбу соҳани рағбатлантиришда адолатли қарор бўлди. Яъни, янги ўзгаришлар экспортчи корхоналарға ўзларининг чет эл валютасидаги даромадларини хоҳишларига кўра тўлиқ ва эркин тасарруф этиш ҳуқуқини берди.

Фармонда валюта сиёсатининг либераллаштирилиши натижасида юзаға келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатишға қаратилган барча эҳтимолий чора-тадбирлар ҳам назардан четда қолдирилмади. Булар иқтисодиёт тармоқларига давлат томонидан молиявий ёрдам бериш, солиқ тизимини янги ислохотларға мувофиқлаштириш, давлат томонидан вақтинча субсидиялар ажратиш, божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш каби устувор вазифаларни ўз ичига олган бўлиб, улар бўйича бугунги кунда босқичма-босқич ишлар амалға оширилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

Ватандошимиз Азизи Раҳмон Ўзбекистон иқтисодига ҳисса қўшиш ниятида

Мамлакатимизнинг қулай географик жойлашуви, бетакрор табиати, бой табиий ресурслари ҳудудларнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис юртимиз хорижий ишбилармон ва сармоядорлар, сайёҳлар эътиборини тортмоқда.



Юз йиллар муқаддам аждодлари Бухоро вилояти Гиждувон тумани ҳудудида истиқомат қилган ва тақдир тақозоси билан чет элга кўчиб кетган юрдошимиз Азизи Раҳмон отабоболари бу мафтункор ўлка ҳақида кўп бор тўлқинланиб гапирганини яхши эслайди. Шу боис у ҳам Ўзбекистонға, унинг тобора юксалаётган иқтисодига ҳисса қўшишни ният қилди.

– Мени вилоят ва Навбахор тумани раҳбарлари илиқ кутиб олишди, – дейди Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) – дан келган тадбиркор Азизи Раҳмон. – Маҳаллий ҳокимлик режаларим билан танишгач, туман ҳудудидан 70 гектардан ортиқ ер майдони ажратди. Бу ерда «Фарид Азизи» МЧЖ ташкил этдик. Энди узумчилик ва чорвачиликни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Ўзбекистон табиати йилнинг исталган

фаслида ердан ҳосил олиш имконини беради. Шунини инобатға олиб, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш билан ҳам шугулланиш ниятим бор. Бундан ташқари, нўхат, ловия каби дуккакли маҳсулотлар экспортини ҳам йўлга қўямиз.

БААнинг «Mohammed al Otaiba Group» компанияси билан тумандаги «Чорва тоғлари» фермер хўжалиги ҳамда «Миразиз Ақобир» оилавий корхонаси ўртасида тузилган меморандумға асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш йўлга қўйилади. Хусусан, мазкур келишувға асосан фаолият бошланган «Фарид Азизи» МЧЖ томонидан боғдорчилик ташкил этиш ҳамда мевани қайта ишлаш бўйича технологиялар келтириб ўрнатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида 10 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

ЎЗА.



FINANCEUZ хабар қилади

БАНКЛАРДАН ЯНГИ ХИЗМАТЛАР

ПЛАСТИК КАРТА УЙИНГИЗГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ



Энди сизнинг Visa картангиз Тошкент шаҳри бўйича етказиб берилади, дейилган «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки расмий сайтидаги хабарда.

Бундай қулайликдан фойдаланиш учун банкнинг Тошкент шаҳридаги исталган филиалиға пластик карта очиш мақсадида муурожаат қилиб, мижоз ўзи учун қулай бўлган манзилни кўрсатиб ўтиши лозим бўлади.

Карта тайёр бўлгач эса, банк ходимлари манзилға аниқлик киритиш мақсадида мижоз билан боғланиб, уни сўралган жойға етказиб беради. Бунда картани қабул қилиб олаётган фуқаро ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак бўлади.


«УПРАВЛЯЙ» ОМОНАТИ БИЛАН ДАРОМАДИНГИЗНИ ОНЛАЙН БОШҚАРИНГ!

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки тизимида жорий йилнинг 2 августидан бошлаб АҚШ долларига халқаро Visa пластик картаси эгалари бўлган муассаса мижозлари учун «Управляй» номли онлайн турдаги омонат жорий этилди.

Мазкур муддатли омонатға ҳисобварақ очиш масофадан туриб «Шахсий кабинет» тизими орқали амалға оширилади.

Бунда омонатчи ушбу тизимға уланган тақдирда интернет браузер орқали корпоратив сайтидаги ҳавола ва «Irak Yuli Mobile» мобиль иловаси ёрдамида фойдаланиши мумкин.

МИКРОҚАРЗ ОЛГАН МИЖОЗГА АЛОҲИДА СОВҒА МАВЖУД



«Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки ўзининг янги 4 турдаги микроқарзини жорий этганини маълум қилмоқда.

Микроқарз қонунчилиқда назарда тутилган ҳар қандай мақсад учун нақд пул ёхуд мижоз пластик картасига пул ўтказиш орқали энг кам иш ҳақининг 100 баравари (18 430 000 сўм)дан юқори бўлмаган миқдорда тақдим этилади.

Ушбу турдаги кредит олинмаган микроқарз бўйича қарзни ҳар ой тўлаш учун етарли бўлган доимий даромадға эға 18 ёшдан 65 ёшға бўлган жисмоний шахсларға берилиши кўзда тутилган.

«Иш ҳақи» лойиҳаси доирасида «Asia Alliance Bank» АТБ пластик картасига эға мижозлар учун эса янада қулай шартлар ишлаб чиқилган.

Микроқарзлар пластик картаға расмийлаштирилганда мижозлар алоҳида дизайнли пластик картани совға сифатида олиш имконига эгалар.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Инвестиция
лойиҳалари
тақдимоти

Бир неча ҳафтадан бўён Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан пойтахтимизнинг «International» меҳмонхонасида турли вазирлик ва идораларнинг инвестицион тақлифлар бўйича олиб бораётган ишлари хусусида очиқ мулоқот ташкил этилмоқда.

Ушбу учрашуларда хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қатнашаётгани ҳар томонлама манфаатли бўлаётди.

Навбатдаги анжуман ҳам айнан шу йўналишда бўлиб, унда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекиқовқатхолдинг» ХК, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Ўзбекиқовқатзахира» уюшмаси масъул вакиллари, хорижий ва маҳаллий инвесторлар, тадбиркорлар ва журналистлар иштирок этди.



Анжуманда дастлаб, Қишлоқ хўжалиги вазирининг озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари Саидкамол Ходжаев сўзга чиқиб, сўнгги йилларда юртимизда қулай инвестицион муҳит яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, очиқ мулоқот давомида «Ўзбекиқовқатхолдинг» ХК, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Ўзбекиқовқатзахира» уюшмаси масъуллари тизимларда инвестицион лойиҳалар ҳақида йиғилганларга маълумот берди.

– Ўтган давр мобайнида хомашё базасини яратиш ва ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош виночилик ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда реалзация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириб бориш, шунингдек, ушбу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, – дейди «Ўзшаробсаноат» АЖ раҳбари Отабек Мустафоев. – Жумладан, ўтган охириги ўн йил давомида 243 млн. АҚШ долларлик 246 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, экспорт ҳажми йилдан йилга юксалиб бормоқда. Биргина 2017 йилда акционерлик жамиятининг экспорти 40 млн. долларга ошди. Бундай кўрсаткични янада яхшилаш мақсадида 2018-2022 йилларда 73 та 280 млн. долларлик лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, тадбир давомида очиқ мулоқот қизгин давом этди, ҳар бир иштирокчи ўзини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

– Албатта, бундай анжуманлардан манфаатдоримиз, – дейди «Агромир Заркент» қўшма корхонаси директори Ғайрат Ашуров. – Чунки келгусида корхонамиз салоҳиятини кенгайтириб, экспорт ҳажминини янада оширишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун инвестиция ва замонавий технологиялар зарур бўлмоқда. Бу ажуманлар эса бизга мана шу имкониятлар эшигини очишга, тегишли ҳамкорларни топишга замин бўлаётди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

«Трастбанк»да терроризм ва диний
экстремизм бўйича семинар

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг бош офисида «Диний экстремизм ва терроризм – мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдид» мавзусида семинар бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон халқаро Ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси бош муҳаррири Саидафзал Саиджалоов иштирок этди.

Семинар давомида иштирокчиларга кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда муқаддас динимиз софлигини сақлаш, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларнинг илмий меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш, янги масжид-мадрасалар барпо этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани ва ушбу марказ қошида Ислом академияси

очилиши белгилангани ана шу йўналишдаги эзгу ишларга ёрқин мисолдир.

Халқаро майдонда турли экстремистик ва террористик ташкилотлар томонидан дунё аҳолисига қарши амалга оширилаётган хунрезликлар, ўзларининг сафларини тўлдириш мақсадида фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида ёт гоёларни тарғиб этишга бўлган уринишлар жуда фаол олиб борилмоқда, деб таъкидлади Саидафзал Саиджалоов.

Шунингдек, бугун интернет инсоният турмуш тарзи ва ҳаётининг ажралмас қисмига айланган айни даврда ижтимоий тармоқлар орқали нафақат яхши мақсадда, балки одамларнинг онгу тафаккурини бузадиган терроризм, экстремизм, давлатлардаги тартибсизликларни амалга ошириш билан бирга, бутун инсониятнинг бугуни ва келажигига таҳдид солувчи ўз гоёларини тарқатиш билан фаолиятларини жадаллаштирувчи гуруҳлар жамият тараққиётига салбий таъсир ўтказувчи хавф-хатар бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан ана шундай экстремизм гоёлари таъсири-

га адашиб тушиб қолган 16 000 нафар собиқ экстремист ижтимоий реабилитация қилиниб, соғлом ҳаётга қайтаришда инсонларварлик, кечиримлик ва бағрикенглик тамойиллари қўлланилган ҳолда қора рўйхатдан чиқарилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда умумий ўрта мактаб ва лицей-коллежларда «Диншунослик», «Дунё динлари тарихи» каби фанларда бир қанча динлар ва улардаги ибодатлар ҳақида батафсил маълумот берилиши йўлга қўйилди.

Бу эса мамлакатимиздаги ёшлар онгига маънавий бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарурлигидан далолат беради.

Баҳс-мунозараларга бой ўтган семинар якунида иштирокчилар дин ва диний муносабатлар, ислом маданиятининг асл қадриятлари, фарзанд тарбиясида ислом динининг ўрни ва бошқа шу каби ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан мутахассисдан атрофлича жавоблар олдилар.

finance.uz

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ!

Қуруқ ўтлар ёнмасин

Ҳозирги жазирама кунларда теварак-атрофимиздаги дов-дарахтлару биноларнинг ёнгин хавфсизлиги муҳим масаладир. Хусусан, қуруқ ўтлар устига ўчирилмаган сигарета қолдиғи кўча-кўйда офат келтириб чиқариши кўп кузатилган ҳолатдир. Иссиқда қуриб қовжираб ётган шох-шаббалар ёки чиқиндиларнинг бир зумда ўт олиши катта ёнгинга сабаб бўлади

Парчи бу ҳол катта офат олиб келмай-дигандек туюлса-да, унинг зиёни биз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ бўлади. Жумладан, қуриган ўтлар орасида ётган турли плёнка қолдиқлари, баклажжалар, эҳтиёжга яроқсиз буюмларнинг ёниши ва туташидан ҳавога жуда кўплаб канцероген газлар тарқалади. Шу газ билан заҳарланган ҳаводан нафас олиш эса, йигирмадан ортиқ турдаги касалликлар тарқалишига сабаб бўлади.

Афсуски ҳодимларимиз томонидан қатор ишлар олиб борилаётганига қарамай Юнусобод тумани ҳудудида 2018 йил 7 оий мобай-

нида 110 та ёнгин содир бўлиб, шундан 29 таси қуриган ўт ва ахлат чиқиндиларида содир бўлди. Улар соғлигимизга, фарзандларимиз келажагига салбий таъсир этмаслиги учун эса ҳар биримиз ёнгинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Шунингдек, бундай нохушликлар учун ўзимиз ёнгин хавфсизлиги қодаларига риоя этишимиз, уларни болаларимизга ўргатишимиз катта аҳамиятга эга.

Ш.А.ИСЛАМОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори,
кичик сержант.



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

«Микрокредитбанк» томонидан бизнесни молиялаштириш шартлари янгиланди

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4051-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритилди (7.08.2018 йилдаги ПФ-5504-сон Фармонга қаранг).

Тузатишлар «Микрокредитбанк» томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар шартлари, жумладан улар бўйича энг юқори фоиз ставкаларига дахл қилди (қуйидаги жадвалга қаранг).

Молиявий хизмат тури	Илгариги шартлар (8.08.2018 йилгача)	Янгиланган шартлар (8.08.2018 йилдан бошлаб)
тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар	муддати –18 ойгача суммаси –200 ЭКИҲгача фоиз ставкаси – йиллик 3%	кичик тадбиркорлик субъектларига, ш.ж. имтиёзли фоиз ставкалари буйича Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланадиган молиявий ресурслар доирасида берилади
фаолиятни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун микрокредитлар	олувчилар – кичик бизнес субъектлари муддати –24 ойгача суммаси –500 ЭКИҲгача фоиз ставкаси – Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50%и олувчилар – кичик бизнес субъектлари	олувчилар – кичик тадбиркорлик субъектлари (ш.ж. микрофирмалар ва кичик корхоналар), деҳқон ва фермер хўжаликлари муддати –24 ойгача суммаси –1 000 ЭКИҲгача фоиз ставкаси «Микрокредитбанк» АТБнинг сиевсатига биноан белгиланади
имтиёзли микролизинг буйича хизматлар	муддати – 3 йилгача суммаси –2000 ЭКИҲгача фоиз ставкаси – йиллик 5% мақсади – кўрсатилмаган	муддати – 3 йилгача суммаси –2000 ЭКИҲгача фоиз ставкаси «Микрокредитбанк» АТБнинг сиевсатига биноан белгиланади мақсади – технологик жиҳозлар ва техника сотиб олиш

Давлат жамғармаси ҳисобига молиявий жиҳатдан кўпроқ қўллаб-қувватлайдилар

Президентимизнинг 2018 йил 7 августдаги ПФ-5504-сонли Фармони билан Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига банк кредитлари бўйича фоиз харажатларини компенсациялаш учун асослар кенгайтирилди.



Эслатиб ўтаемиз, 2017 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (Жамғарма) ташкил этилган эди. Айни пайтда Жамғарма кичик тадбиркорлик субъектларига («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига қаранг) банк кредити миқдорининг 50 фоизгача, лекин 2 млрд. сўм ҳажмидаги кредитлар буйича кафил бўлиш ҳамда кредитлар буйича фоиз харажатларининг бир қисмини компенсациялаш шаклида молиявий ёрдам кўрсатади.

Тижорат банкларининг кредитлари буйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шартларига ўзгартиришлар киритилди.

Биринчидан, фоиз харажатлари компенсацияланадиган кредитларнинг энг юқори

суммаси 4 млрд. сўмдан 8 млрд. сўмгача оширилди. Бунда қуйидаги шартлар амал қилади:

► миллий валютада, қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида – 5 фоиз пункти миқдорига;

► миллий валютада жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобига ажратиладиган имтиёзли кредитлар буйича, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг тавсиялари асосида ёш тадбиркорлар ташаббус билан чиққан лойиҳаларни амалга оширишга – банкларнинг харажатларини қоплаш учун 3 фоизлик ставка миқдорига;

► хорижий валютада (эквивалентда) – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиз пунктдан ортқ бўлмаган миқдорда.

Иккинчидан, тижорат банкларининг кредитлари бў-

йича фоиз харажатларини Жамғарма маблағлари ҳисобига компенсациялаш учун қўшимча асослар киритилди:

► миллий валютада, қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида, рўйхатга кўра туманларда, шунингдек, «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилаётган (батафсил қаранг), суммаси 8 млрд. сўмдан ошмайдиган лойиҳалар учун – 8 фоиз пункти миқдорига;

► хорижий валютада, 2017 йил 5 сентябргача (2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Фармон кучга кирган сана – тахр.) халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар барпо этиш ва совуткичлар қуриш учун хўжалик юртувчи субъектларга ажратилган валюта кредитлари буйича – белгиланган фоиз ставкасидан 50 фоиз миқдорига.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришига инвестиция

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикасида «Индорама» компанияси (Сингапур) билан замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 632-сонли қарори эълон қилинди.

Қарорга мувофиқ, манфаатдор идоралар, шунингдек, «Индорама» компанияси (Сингапур) (бундан кейин – инвестор) «Indorama Kokand Textiles» МЧЖ ҚК мавжуд қувватлари асосида ва инвестор томонидан ташкил этилаётган юридик шахс – операцион компания (бундан кейин – операцион компания) 2019–2023 йилларда қуйидаги суммадаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш лойиҳасини (бундан кейин – лойиҳа) амалга оширадилар:

► алмашлаб экиш асосида пахта хомашёси, маккажўхори, ёхуд бошқа экин етиштириш мақсадида 225,0 миллион АҚШ доллари;

► лойиҳаниннг иккинчи босқичини амалга ошириш даврида пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва ип калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 115,0 миллион АҚШ доллари.

Биринчи босқичда Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари инвесторнинг буюртманомаларига кўра 2018 йил 1 ноябргача Касби, Нишон, Сардоба ва Оқолтин туманларида қуйидагилар белгиланган тартибда ажратиб берилишни таъминлайдилар:

► пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун операцион компанияга 40,0 минг гектар суғориладиган ерлар;

► пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш буйича операцион компания билан тўғридан-тўғри контрактация шартномаларини тузишларини қўллаб-қувватлаш учун фермер хўжаликларига пахта хомашёсини етиштириш учун 10,0 минг гектар ер майдонлари.

Иккинчи босқичда Фарғона ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари пахта хомашёси ва қишлоқ хўжалиги экинларини бошқа турларини етиштириш учун ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисидаги операцион компаниянинг таклифларини кўриб чиқадилар.

Белгиланишича, операцион компания пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиси ҳисобланади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сон қарори 2, 7 ва 13-бандларининг амал қилиши унга нисбатан татбиқ этилмади:

► пахтадан олинган чигит операцион компания томонидан мустақил равишда қайта ишланади ёки маҳсулотни қайтариш асосида ёғ-мой корхоналарига, ёғ-мой маҳсулотини кейинчалик биржа савдолари орқали реализация қилиш шarti билан, қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) эса тўғридан-тўғри шартномалар буйича биринчи навбатда, фермер хўжаликларига, шунингдек, бошқа маҳаллий истеъмолчиларга сотилади;

► қўшимча маҳсулотлар (пинт, ўлик пахта ва бошқалар) операцион компания томонидан маҳаллий истеъмолчиларга биржа савдолари орқали сотилади;

► пахта-тўқимачилик кластери доирасида етиштириладиган пахта толаси ва техник чигитлардан фақат республика корхоналарида ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилиши керак.

Инвестициялар буйича давлат қўмитаси ва инвестор қуйидагиларни мажбурий тартибда назарда тутган ҳолда битим тузадилар:

► пахта хомашёси ҳосилдорлиги ошишини таъминлаш учун замонавий механизациялаштирилган ва илмий услубиятларни жорий этиш;

► камида 1 500 та янги иш ўрни яратиш;

► пахта хомашёсини ВСІ («Экологик жиҳатдан янада тоза пахта учун») стандартлари буйича етиштириш, республикада тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳажон брендларини жалб этиш ёхуд операцион компанияга ажратиб берилган ерларда пахта хомашёсини етиштириш билан боғлиқ ҳажмларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан тайёр маҳсулот сотиб олиш.

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР

Банк хизматларида шаффофлик бўлсин

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банк тизимидаги мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида жорий йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланганди. Унга мувофиқ, «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйлабдиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди. Мазкур низом тижорат банклари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни кенг ривожлантиришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Яқинда Ўзбекистон банклари Ассоциациясида мазкур низомнинг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Марказий банк масъуллари ҳамда пойтахтимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг «Фронт-офис» ходимлари иштирок этди. Тадбирда Марказий банк Банк хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати бошқарма бошлиғи Жаҳонгир Абдура-

лоти билан банк хизматини кўрсатиш шартномасини тузишига тўққинлик қилиш мақсадида банк томонидан кредит бюросига ёки бошқа ташкилотларга нотўғри ахборот бериш, истеъмолчи учун мақбул шартларда расмийлаштирилган бошланғич қарзни қайтариш мақсадида уни бошқа кредит шартномасини тузишга рағбатлантириш, истеъмолчиларнинг қарзи миқдорини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширганлиги учун банк ходимларини мукофотлаш ва рағбатлантириш тақиқланади.

Истеъмолчиларга кредитлар бўйича хизмат кўрсатаётганда банклар кредитлаш жавобгарлигининг ҳалоллик, шаффофлик, ишонччилик, шериклик муносабатлари, иқтисодий манфаатлар ва имкониятларни ҳисобга олиш тамойилларига риоя қилишлари шарт. Шу билан бирга, банк омонати шартномаси шартларига омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришларни банк томонидан бир томонлама киритилишига йўл қўйилмайди.



сулов йиғилганларга низомда кўзда тутилган асосий вазифалар ва талаблар ҳақида кенг тушунча берди.

Унда таъкидланганидек, банкнинг истеъмолчи билан муносабатларни ташкил этишида бир қанча меъёрлар қатъий белгиланди. Жумладан, истеъмолчи оғзаки маслаҳат сўраб мурожаат қилганида кутиш муддати ўттиз дақиқадан ошмаслиги керак. Шунингдек, банк фаолиятида инсофсиз хизмат кўрсатиш амалиётларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Жумладан, истеъмолчи бошқа кредит ташки-

Анжуман давомида ҳар бир хизмат шаффоф ва ҳалол бўлишига алоҳида урғу берилди. Тижорат банкларида муомала маданияти, банк ходимлари аҳоли ва тадбиркорларга молиявий маслаҳатчи-қўмакчи бўлиш, давр талабига мос замонавий чакана хизмат турларини жорий қилиш, мижозлар билан муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳар бир мурожаатга уларнинг манфаатидан келиб чиқиб ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

Марказий банк: истеъмол кредити бериш механизмининг такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳаси истеъмол кредитлаш механизмларини такомиллаштиришга, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг товар, иш ва хизматлар бозорига кириши учун кенг йўл очишга, шунингдек, ишбилармонлик ва бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган.

Қонун лойиҳасига асосан, юридик шахслар билан бир қаторда, яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳам ўзлари ишлаб чиқарган товар, иш ва хизматларни истеъмол кредити орқали, шунингдек, молиявий истеъмол кредитлаш механизмидан фойдаланган ҳолда реализация қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Айни вақтда қонун лойиҳасида, ташқи савдонинг эркинлаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида, молиявий истеъмол кредитининг фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар, иш ва хизматлар учун берилиши бўйича чеклов олиб ташланмоқда. Бу билан фуқароларга нафақат республикамизда ишлаб чиқарилган, балки хорижда ҳам ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган молиявий истеъмол кредитларидан фойдаланиш имкони яратилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда тегишли норматив-ҳуқуқий база ўрганиб чиқилган ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилиги таҳлил қилинган.

СУҒУРТА

«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi»: олти ойда бешта янги суғурта тури

«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» акциядорлик жамиятида компаниянинг 2018 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Маълум қилинишича, ҳисобот даврида суғурта мукофотлари тушуми бўйича компания ўз олдига қўйган режани 104 фоизга (58,1 млрд. сўм) бажаришга эришди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 144,6 фоизга ёки 17,9 млрд. сўмга кўп демасди. 453,6 мингта суғурта шартномаси имзоланди (ўсиш 126,1 фоиз).

Муассаса асосий кўрсаткичлари хусусида тўхталиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, унинг устав капитали ўтган йилга нисбатан 1,2 млрд. сўмга ошиб, 32,9 млрд. сўмни, умумий активлари ҳажми 126,3 фоизга ошиб, 122,2 млрд. сўмни ташкил этганини қайд этиш мумкин. Компаниянинг умумий инвестициялари ҳажми 45,3 млрд. сўмни, шакллантирилган захиралари ҳажми 73,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Биринчи ярим йиллик-



да 900,1 млн. сўм соф фойда олинди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида компания томонидан 5 та янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилди, мавжуд суғурта турлари эса такомиллаштирилди. Булар:

- менежерларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;
- божхона тўловларини амалга ошириш бўйича божхона ташувчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;

- аҳоли мол-мулкни суғурта-лашнинг янги шакли;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига вақтинча ишлаш мақсадида чиқаётган фуқароларни суғурта қилиш;
- сайёҳларни суғурта қилиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3584-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида компания томонидан Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳузурда ташкил этилган темир йўл ва авиачипталар сотишга ихтисослаштирилган 14 та махсус кассада суғурта хизматларини кўрсатиш ташкил этилди. 2 415 нафар фуқарога ана шундай суғурта полислари тақдим этилди.

Бундан ташқари, ҳисобот санасида компания томонидан «Myassist» – асистианс хизмати фаолияти ишга туширилди. Ушбу тузилманинг асосий вазифалари куну тун ихтиёрий тиббий суғурта полиси бўйича барча мурожаат ва сўровларни қабул қилиш, тиббий маслаҳатлар, амбулатор ва стационар ёрдам ҳамда суғурта ҳодисаси рўй берган жойнинг ўзида тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, суғурталовчиларга ахборот кўмаги бериш кабилардан иборатдир.

Эъзоз КАМОЛОВА.

СТАТИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси
2018 йил 6 августдан 10 августгача бўлган
биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Автобензин АИ-80	4 452 158	▼	-140 272	-3,1%
Автобензин АИ-91	6 634 054	▲	889 238	15,5%
Автобензин АИ-95	9 100 100	▲	38 052	0,4%
Азот-фосфорли калий NPK 10:10:10 (қолда)	1 580 000	—	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қолда)	1 213 011	—	0	0%
Аммиак селитра «А» (қадоқланмаган)	866 057	—	0	0%
Аммофос 44:10 (қолда)	2 850 000	—	0	0%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 504 987	▼	-389	-0,01%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 019 144	▲	81 540	2,1%
Дизель ёқилғиси	7 553 200	▲	527 165	7,5%
Дизель ёқилғиси ЭКО	6 392 109	▲	17 906	0,3%
Сўндирилмаган оҳак 1 нав (қолда)	601 837	▼	-3 806 542	-86%
Карбамид (қадоқланмаган)	923 928	—	0	0%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 785 888	—	0	0%
Техник керосин	6 999 000	▼	-263 363	-3,6%
Озиқ-овқат сирка кислотаси 70%	5 152 302	▲	2	0%
Нефть кокси	1 689 040	▼	-472 041	-21,8%
Ем аралашмаси	1 118 832	▲	54 500	5,1%
Доира 120 ст 3 СП	5 638 999	—	0	0%
Линт 1-нав тип Б (класс олий)	3 083 892	▲	60 553	2,0%
Линт 2-нав тип Б (класс олий)	2 479 999	▲	106 000	4,5%
Лист г.к 16x1500x6000 мм 3 сп псб	8 500 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	8 641 869	▼	-148 175	-1,7%
Саноат мойи И-50А	7 076 388	▼	-1 599 924	-18,4%
Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	8 258 999	—	0	0%
Рулонли фольгали гидроизоляция том ёпиш материалли, ТФП 14 микрон (кв.м)	13 500	—	0	0%
Мис ўрамаси	48 736 215	▼	-915 367	-1,8%
Бугдой уни 1-нав	940 612	▼	-7 426	-0,8%
Бугдой уни олий нав	1 347 858	▼	-33 214	-2,4%
Хўжалик совуни 70% (дона)	1 946	▼	-59	-2,9%
Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қолда)	2 887 200	—	0	0%
Полипропилен J-550S	12 493 634	▼	-248 214	-1,9%
Полиэтилен F-0120	15 970 797	▲	129 323	0,8%
Портландцемент ССПЦ М-400 Д-20 (қолда)	667 682	▲	17 650	2,7%
Сим 6,3 ст 3	7 778 379	▲	79 715	1,0%
Ем учун дон 3-класс	1 206 449	▲	5 306	0,44%
Ем учун дон 4-класс	1 073 650	▼	-90	-0,01%
Ем учун дон 5-класс	1 003 027	▲	3 625	0,4%
Шакар (импорт)	4 200 000	▼	-106 406	-2,5%
Суюлтирилган газ	3 413 856	▼	-455 468	-11,8%
Мойли солидол смазка	15 500 000	▲	2 807 701	22,1%
Кальцийлаштирилган сода (қолда)	1 383 958	▼	-35 276	-2,49%
Техник туз	253 333	▲	43 333	20,6%
Алюминий қотишмалари АК7	14 644 519	—	0	0%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 700 007	—	0	0%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 950 000	—	0	0%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	21 711	▲	29	0,1%
Шиша банка 3 л (дона)	2 352	▲	111	5,0%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	621 900	—	0	0%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 172 900	—	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	702 437	▼	-907 783	-56,4%
Труба 15x2,8 (метр)	9 450	▼	-255	-2,6%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	124 494	—	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	6 050 000	▲	70 000	1,2%
Кўмир СССШ-13	361 386	▼	-12 744	-3,4%
Швеллер 12	8 700 000	—	0	0%
Пахта чигити шелухаси	500 140	▲	73	0,01%
Шифер 8 тўлқинли	33 875	▼	-463	-1,3%
Шрот (кунгабоқар)	2 500 000	—	0	0%
Шрот (соя)	6 600 000	▲	2 230 002	51,0%
Пахта чигити шроти (кунжараси)	1 011 183	▼	-224 639	-18,2%
Арпа	1 005 185	▲	182 185	22,1%

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингидини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 14 августдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	7 790,20	▲	7,15	0,09%
1 Евро	8 888,62	▼	-114,03	-1,27%
1 Россия рубли	115,07	▼	-7,89	-6,42%
1 Англия фунт стерлинги	9 945,75	▼	-176,11	-1,74%
1 Япония иенаси	70,23	▲	0,27	0,39%
1 БАА дирхами	2 121,05	▲	1,94	0,09%
1 Афғонистон афғониси	107,90	▼	-0,35	-0,32%
1 Арманистон драми	16,21	—	0	0%
1 Аргентина песоси	266,61	▼	-18,85	-6,6%
1 Австралия доллари	5 687,63	▼	-71,05	-1,23%
1 Озарбайжон манати	4 601,42	▲	4,23	0,09%
1 Бангладеш такаси	92,74	▲	0,08	0,09%
1 Болгария леви	4 546,10	▼	-58,44	-1,27%
1 Бахрайн динари	20 658,18	▲	57,20	0,28%
1 Бруней доллари	5 730,62	▼	-27,78	-0,48%
1 Бразилия реали	2 019,02	▼	-80,53	-3,84%
1 Беларусь рубли	3 807,53	▼	-68,49	-1,77%
1 Канада доллари	5 927,26	▼	-65,23	-1,09%
1 Швейцария франки	7 827,77	▼	-1,47	-0,02%
1 Хитой юани	1 137,95	▼	-1,44	-0,13%
1 Куба песоси	7 790,20	▲	7,15	0,09%
1 Чехия кронаси	346,91	▼	-4,87	-1,38%
1 Миср фунти	436,55	▲	0,28	0,06%
1 Грузия лариси	3 079,13	▼	-108,03	-3,39%
1 Венгрия форинти	27,52	▼	-0,62	-2,20%
1 Исроил шекели	2 097,64	▼	-13,19	-0,62%
1 Ҳиндистон рупийси	113,09	▼	-0,46	-0,41%
1 Эрон риали	0,19	▲	0,01	5,6%
1 Қирғизистон сомми	113,98	▼	-0,34	-0,30%
1 Жанубий Корея вони	6,90	▼	-0,03	-0,43%
1 Кувайт динари	25 715,32	▼	-10,37	-0,04%
1 Қозғистон тенгеси	21,81	▼	-0,46	-2,07%
1 Малайзия ринггити	1 907,96	▲	0,35	0,02%
1 Польша злотийси	2 071,15	▼	-41,46	-1,96%
1 Сингапур доллари	5 672,61	▼	-23,83	-0,42%
1 Тожикистон сомони	827,42	▲	0,67	0,08%
1 Туркменистон манати	2 232,15	▲	2,05	0,09%
1 Ўғри турк лираси	1 212,20	▼	-319,75	-20,87%
1 Украина гривнаси	285,88	▼	-1,64	-0,57%
1 СДР	10 838,04	▼	-30,59	-0,28%

ЎЗРБВ савдоларида
АҚШ долларининг сўмга нисбатан
ўрнатилган курси динамикаси

Сана	USD/UZS			
	курс	динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 йил 13 июль	7787,0	▲	4,00	0,05%
2018 йил 16 июль	7791,0	▲	4,00	0,05%
2018 йил 17 июль	7790,0	▼	-1,00	-0,01%
2018 йил 18 июль	7787,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 йил 19 июль	7789,0	▲	2,00	0,03%
2018 йил 20 июль	7789,0	—	0	0%
2018 йил 23 июль	7794,0	▲	5,00	0,06%
2018 йил 24 июль	7791,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 йил 25 июль	7791,0	—	0	0%
2018 йил 26 июль	7792,0	▲	1,00	0,01%
2018 йил 27 июль	7791,0	▼	-1,00	-0,01%
2018 йил 30 июль	7786,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 йил 31 июль	7782,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 йил 1 август	7781,0	▼	-1,00	-0,01%
2018 йил 2 август	7781,0	—	0,00	0,00%
2018 йил 3 август	7786,0	▲	5,00	0,06%
2018 йил 6 август	7784,0	▼	-2,00	-0,03%
2018 йил 7 август	7783,0	▼	-1,00	-0,01%
2018 йил 8 август	7790,0	▲	7,00	0,09%
2018 йил 9 август	7795,0	▲	5,00	0,06%
2018 йил 10 август	7795,0	—	0,00	0,00%
2018 йил 13 август	7798,0	▲	3,00	0,04%

СТАТИСТИКА

«Тошкент» РФБ нархлари индекси

Сана	Нарх	Ўзгариш	ҚҚ сони (бирликда)	Савдолар ҳажми (сўмда)
УСИ				
10.08.2018	1 051.73	▼ -9.65	100 712	223 743 718.49
09.08.2018	1 061.38	▼ -7.65	15 372	18 937 466.32
08.08.2018	1 069.03	▼ -4.96	139 154	54 970 356
07.08.2018	1 073.99	▼ -1.16	95 887	14 213 553
06.08.2018	1 075.15	▲ 1.21	6 945	2 967 048
03.08.2018	1 073.94	▲ 0.37	570	5 162 566
02.08.2018	1 073.57	▼ -1.04	128 530	12 394 459.63
01.08.2018	1 074.61	▲ 0.81	44 251	2 864 017
31.07.2018	1 073.80	▼ -0.33	177 117	26 078 344
30.07.2018	1 074.13	▲ 9.91	66 556 689	26 837 185 482.17
Молия сектори				
10.08.2018	1 028.71	▲ 10.54	37 075	17 086 479.09
09.08.2018	1 018.17	▼ -33.98	11 583	181 968.32
08.08.2018	1 052.15	▼ -20.71	128 050	2 247 416
07.08.2018	1 072.86	▼ -3.23	93 113	1 681 204
06.08.2018	1 076.09	▲ 3.24	6 100	427 000
03.08.2018	1 072.85	0	0	0
02.08.2018	1 072.85	▼ -5.45	126 464	2 022 745.63
01.08.2018	1 078.30	▼ -8.30	43 127	794 592
31.07.2018	1 086.60	▼ -1.76	170 900	3 380 690
30.07.2018	1 088.36	▲ 13.01	66 471 208	26 828 867 584.17
Саноат				
10.08.2018	1 544.48	▼ -257.40	60 792	194 759 600
09.08.2018	1 801.88	0	164	677 694
08.08.2018	1 801.88	▼ -1.74	1 232	3 317 000
07.08.2018	1 803.62	▼ -0.02	86	194 800
06.08.2018	1 803.64	▲ 0.07	401	747 000
03.08.2018	1 803.57	▲ 0.11	100	216 000
02.08.2018	1 803.46	▲ 0.01	56	195 664
01.08.2018	1 803.45	▲ 0.09	4	20 200
31.07.2018	1 803.36	▲ 0.04	712	6 300 924
30.07.2018	1 803.32	▲ 157.45	84 152	1 553 500
Қурилиш сектори				
10.08.2018	2 378.78	▼ -32.84	1 049	2 858 495.40
09.08.2018	2 411.62	▲ 7.20	3 625	18 077 804
08.08.2018	2 404.42	▼ -8.64	9 872	49 405 940
07.08.2018	2 413.06	▼ -25.01	2 688	12 337 549
06.08.2018	2 438.07	▲ 27.57	187	765 048
03.08.2018	2 410.50	▼ -2.88	130	646 566
02.08.2018	2 413.38	▲ 97.96	1 968	10 098 050
01.08.2018	2 315.42	▲ 159.30	1 020	1 549 225
31.07.2018	2 156.12	0	2 456	12 545 730
30.07.2018	2 156.12	0	1 137	5 804 398
Агросаноат мажмуаси				
10.08.2018	1 827.16	0	0	0
09.08.2018	1 827.16	0	0	0
08.08.2018	1 827.16	0	0	0
07.08.2018	1 827.16	0	0	0
06.08.2018	1 827.16	0	0	0
03.08.2018	1 827.16	0	0	0
02.08.2018	1 827.16	0	30	6 000
01.08.2018	1 827.16	0	0	0
31.07.2018	1 827.16	▲ 14.10	160	206 000
30.07.2018	1 813.06	0	0	0
Ижтимоий соҳа				
10.08.2018	1 061.57	0	408	711 144
09.08.2018	1 061.57	0	0	0
08.08.2018	1 061.57	0	0	0
07.08.2018	1 061.57	0	0	0
06.08.2018	1 061.57	0	0	0
03.08.2018	1 061.57	0	0	0
02.08.2018	1 061.57	0	0	0
01.08.2018	1 061.57	0	0	0
31.07.2018	1 061.57	0	2 700	2 700 000
30.07.2018	1 061.57	0	0	0
Бошқа соҳалар				
10.08.2018	2 089.99	0	1 388	8 328 000
09.08.2018	2 089.99	0	0	0
08.08.2018	2 089.99	0	0	0
07.08.2018	2 089.99	0	0	0
06.08.2018	2 089.99	0	257	1 028 000
03.08.2018	2 089.99	▲ 57.49	340	4 300 000
02.08.2018	2 032.50	▼ -202.24	12	72 000
01.08.2018	2 234.74	0	0	0
31.07.2018	2 234.74	0	0	0
30.07.2018	2 234.74	0	0	0

«Тошкент» РФБ савдолари якуни

Сана	Эмитент	Май-дон	Савдо нархи	ҚҚ сони	Савдолар ҳажми (сўмда)
13.08.2018	«Alskom» АЖ	G1	1 400	10 150	14 210 000
13.08.2018	«Alskom» АЖ	G1	1 400	15 000	21 000 000
13.08.2018	«Alskom» АЖ	G1	1 400	6 850	9 590 000
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 910	2 287	11 229 170
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 910	2 287	11 229 170
13.08.2018	«Buxoroneftgazparmalash» АЖ	G1	5 500	40	220 000
13.08.2018	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	G1	16,97	41	695,77
13.08.2018	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	G1	16,98	9 959	169 103,82
13.08.2018	«OzRTXB» АЖ	G1	6 000	4 803	28 818 000
13.08.2018	«OzRTXB» АЖ	G1	6 000	1 000	6 000 000
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 890	100	489 000
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 880	100	488 000
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 870	100	487 000
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 861	110	534 710
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 980	5	24 900
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 970	5	24 850
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 960	5	24 800
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 950	5	24 750
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 940	10	49 400
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 930	10	49 300
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 920	50	246 000
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 910	50	245 500
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	4 900	50	245 000
13.08.2018	«Buxoroneftgazparmalash» АЖ	G1	5 000	3 514	17 570 000
13.08.2018	«Buxoroneftgazparmalash» АЖ	G1	5 000	4 255	21 275 000
13.08.2018	«Ozbekekspertiza» АЖ	G1	1 622	560	908 320
13.08.2018	«Kvarts» АЖ	G1	5 000	172	860 000

САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРЛАРИ ТОП-10 ТАЛИГИ, 30 КУН ДАВОМИДА

№ БИ	Эмитент	Савдолар ҳажми (сўмда)
№ БИ - 00443	«Kapital-Depozit» МЧЖ	53 029 825 050
№ БИ - 00455	«Universal Depozit» МЧЖ	11 150 498 125
№ БИ - 00472	«NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	3 490 522 567
№ БИ - 00450	«BBB» МЧЖ	2 057 559 007
№ БИ - 00416	«Alp omad invest» МЧЖ	2 004 880 405
№ БИ - 00476	«Freedom Finance» МЧЖ	1 113 305 240
№ БИ - 00382	«DALAL STANDARD» МЧЖ	449 782 485
№ БИ - 00471	«Файз реестр» МЧЖ	382 034 600
№ БИ - 00460	«TAT REESTR» МЧЖ	367 335 470
№ БИ - 00454	«Portfolio Investments» МЧЖ	260 181 798

БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРЛАРИ ТОП-10 ТАЛИГИ, 30 КУН ДАВОМИДА

№ БИ	Эмитент	Битимлар сони (бирликда)
№ БИ - 00476	«Freedom Finance» МЧЖ	382
№ БИ - 00382	«DALAL STANDARD» МЧЖ	289
№ БИ - 00454	«Portfolio Investments» МЧЖ	244
№ БИ - 00472	«NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	213
№ БИ - 00462	«TSIAR DEPO» МЧЖ	118
№ БИ - 00444	«Ishonch LTD» МЧЖ	70
№ БИ - 00447	«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ	64
№ БИ - 00439	«ТошИнвестКом» ХК	55
№ БИ - 00416	«Alp omad invest» МЧЖ	33
№ БИ - 00475	«Fargona vaqt» МЧЖ	31

БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10 ТАЛИГИ, 30 КУН ДАВОМИДА

Эмитент	Номинал қиймати (сўмда)	Савдолар ҳажми (сўмда)
«InFinBank» АТБ	1 000	26 507 557 800
«Капиталбанк» АТБ	950	10 869 754 425
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	19	3 091 146 517
«Универсал банк» ХАТБ	5000	1 000 120 000
«Turkiston» ХАТБ	1 000	297 768 970
«Kapital sug'urta» АЖ	1	280 758 697
«Kvarts» АЖ	1 715	229 862 311
«Biokimyoz» АЖ	3 350	135 025 000
«Alskom» АЖ СК	1 380	63 957 600
«Buxoroneftgazparmalash» АЖ	5 000	43 617 154

БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10 ТАЛИГИ, 30 КУН ДАВОМИДА

Эмитент	Номинал қиймати (сўмда)	Битимлар сони (бирликда)
«Kvarts» АЖ	1 715	265
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	19	229
«Eyvalek MTB» АЖ	5 000	42
«SarboN-Neftegaz» АЖ	1 000	36
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	19	26
«Qizilqumsement» АЖ	1 570	24
«Buxoroneftgazparmalash» АЖ	5 000	21
«Alskom» АЖ СК	1 380	15
«Ипотека-банк» АТИБ	1	15
«UZKABEL» АЖ ҚҚ	1 500	14

ЭЪЛОН

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» акциядорлик тижорат банки.
3. «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки.
6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки.
7. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки.
14. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки.
15. «Ўзгагроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки.
16. «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки.
17. «Туркистон» хусусий акциядорлик тижорат банки.
18. «Давр банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
19. Хусусий акциядорлик-тижорат банки «Универсал банк».
20. «Ravnaq-bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
21. «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки.
22. «HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банки.
23. «Orient Finans» хусусий акциядорлик тижорат банки.
24. «Мадад Инвест Банк» акциядорлик тижорат банки.
25. «ҚДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти.
26. «Ziraat Bank Uzbekistan» акциядорлик жамияти.
27. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

FINANCEUZ хабар қилади

Оилавий меҳмонхона учун имтиёзли кредит

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан оилавий меҳмонхона уйларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш тартибга солинди.



Мазкур ҳужжатга кўра, оилавий меҳмонхона уйи – мазкур меҳмонхона уйида уй эгаси ва унинг оила аъзолари билан биргаликда яшаши тамойили асосида 10 нафаргача туристнинг вақтинча яшаши ва (ёки) овқатланиши бўйича хизмат кўрсатувчи хусусий уйдир. Уйда ҳар бир яшовчи учун 3 кв. метр ҳажмида яшаш майдони бўлиши лозим.

Оилавий меҳмонхона уйи хизматлари яқка тартибдаги тадбиркор ёки оилавий тадбиркор томонидан кўрсатилади. Бундай уйларни рўйхатга олиш ва улар рўйхатини юритиш Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Қарор билан оилавий меҳ-

монхона уйлари хизматларини кўрсатишни сертифицирлаштириш тизимини соддалаштириш кўзда тутилган. Унга кўра, бундай уйларни ўрганиш асосида тузилган баённомага биноан улар оилавий меҳмонхона уйларининг ягона реестрига киритилади.

Тижорат банкларига реестрга киритилган оилавий меҳмонхона уйлари эгаларига имтиёзли кредит ажратиш тавсия қилинди. Кредит ҳажми – 5 йил муддатга, жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасинан ошмайдиган миқдорда энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаригача бўлган ҳажмда тақдим этилади.

Банк ёш ходимларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 3514-сонли қарорига кўра, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури Ўзмиллийбанк томонидан ҳам самарали амалга оширилмоқда.



Муассаса ёш ходимларини буюк алломаларимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларнинг ибратли ҳаёт мактабини ўргатиш, муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштириб, мароқли ва фойдали дам олишларини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Ўзмиллийбанк Ёшлар кенгаши ва Касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган саёҳатга банк тизимида фаолият юритаётган 30 нафар ёш ходим жалб қилиниб, улар Самарқанд шаҳрининг Гўри Амир, Шоҳи зин-

да мақбаралари, Улуғбек расадхонаси, Регистон майдони, шунингдек, ҳазрати Ҳизр масжиди, биринчи Президентимиз Исрол Каримов қабрини зиёрат қилдилар.

Сафар давомида Ўзмиллийбанк Самарқанд бўлими ва филиалларининг ёш ходимлари билан учрашув ташкил этилди. Унда иштирокчилар етакчилар кенгаши томонидан олиб борилётган ташкилий тадбирлар, амалга оширилаётган лойиҳалар, семинар-тренинглар, ходимларнинг таклиф-мулоҳазалари, ёш ходимлар ўртасида ўтказилаётган спорт ва интеллектуал мусобақалар билан таништирилди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрсабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розлиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Бюлетен № 889.

Адади 3287 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда

чоप этилди.

Босишга рухсат этилди: 15.08.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 5